

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Архитектура» факультети

«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

Битирув малакавий иши(лойихаси)нинг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*Мавзу: “Бинафша” болалар боғчасининг ўйингоҳ
майдончаларининг дизайн ечими*

Дипломант: *Ҳамроқулова. М.*

Раҳбар: *Мухаммадиев Э.М*

«Ландшафт дизайни ва интерьер»
кафедраси мудири: *Қурбонов Ш.М.*

Самарқанд-2017

МУНДАРИЖА

1. Кириш
2. Архитектуравий режалаштириш қисми
3. Бадиий қисми
4. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми
5. Экология қисми
6. Хулоса
7. Адабиётлар рўйхати

КІРИШ

Самарқанд вилоятининг мустақиллик йилларида яратилган архитектура иншоотлари ва комплекслари, шаҳарсозлик ансамбллари ва бунёдкорлик ишларини диққат билан кузатар эканмиз, уларга хос бўлган мўжизакор муҳташамлик ва табиий манзаралар ҳамоҳанглигини, улар муҳитидаги орасталик, изчил меъморий тартибот, халқ амалий санъатининг юксак меъморий тартибот, халқ амалий санъатининг юксак меъморий туйғуларини ҳис этамиз. Биз ишонамизки, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларида акс этган моддий биринчиси миллий меъморий анъаналаримизнинг янги замонавий қурилиш материаллари ва пардозлари билан муштарак тарзда уйғунлаштирилиши бўлса, иккинчиси, бу ана шундай миллий меъморий шаклларимизнинг маҳаллий қурилиш ва пардозлаш материаллари асосида бунёд этилишидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарсозлик фаолияти янада такомиллаштириш йўлида Шаҳарсозлик кодекси асосида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб Давлат ҳокимияти органлари ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси олдига бир қанча вазифалар қўйилди. Республикамиз капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган ҳўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарда замонавий технологияларни тадбиқ этиш ва ҳ.к.лар.

Мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбияловчи муассаса биринчи марта болалар боғчаси тарзидаги муассаса («кичкинтойлар мактаби») 1802 йили Шотландиянинг Нью-Ланарк шаҳрида утопик социалист *Р. Оуэн* томонидан ташкил этилган. 1837 йили Германияда немис педагоги *Ф. Фребель* шундай муассасага болалар боғчаси деган ном берди; лекин ўша даврда болалар боғчаси турли мамлакатларда турлича ном билан юритилди (мас, оналар мактаби, кичик ёшдаги болалар мактаби ва ҳ. к.). Ўзбекистонда дастлабки болалар боғчаси 1918 йили очилган.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбияси оилада ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида олиб борилади. Мактабгача ёшдаги болалар 19- асрга қадар фақат оилада ёки хусусий тарбиячилар (энага ва ш. к.) ёллаш билан тарбияланган. Саноатнинг ривожланиши, хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниши муносабатин билан 19- а. бошларнда мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий тарбияси ҳақидаги ғоялар кенг тарқалди. Инглиз утопик социалисти *Р. Оуэн* биринчи бўлиб болаларга бир ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериш ғоясини ишлаб берди ва пролетар болалари учун мактабгача ёшдаги болалар муассасасини очди. Аста-секин бундай муассасалар бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг кенг тарқалиши, болалар психологиясининг ривожланиши ва билимнинг мустақил тармоғига айланиши билан 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб мактабгача ёшдаги болалар тарбияси қонуниятларини ўрганувчи педагогика соҳаси — мактабгача ёшдаги болалар педагогикаси ажралиб чиқди. Бу соҳанинг назарий асосларини ишлаб чиқишга классик педагоглар *Ж. Ж-Руссо* (Франция), *И. Г. Песталоцци* (Швейцария), *Ф. Фребель* (Германия), *К. Д. Ушинский*, *П. Ф. Лесгафт* (Россия) ва б. қатта ҳисса қўшдилар.

Ҳозирги мактабгача ёшдаги болалар педагогикаси болаларнинг дастлабки билимларни ўзлаштириб олиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёнини ўрганади ҳамда таълим-тарбия бериш, уларни мактабга тайёрлашнинг энг самарали методларини ишлаб чиқади. Тарбиянинг бу соҳаси болалар психологияси, анатомияси ва физиологияси, педиатрия, гигиена, шунингдек бир

қанча бошқа фанлар (тилшунослик, эстетика, этика ва ҳ. к.) билан узвий боғлиқ.

Шарқда қадим замонлардан бошлаб фарзандларини ўқитиш ва уларга савод бериш одоби бўлган. Масалан, “Авесто” (милoddан аввалги VIII-VII асрлар) таълимотига биноан, фарзанд улғайгач ота-онаси уни, албатта, ўқишга беришлари шарт бўлган. Фарзандининг саводини чиқармаган ота-она, ҳатто жиноятчилар қаторига киритилган. Уларни маънавий етук инсон бўлиб улғайиши учун айнан ёшлиқдан бошаб таянч ва чуқур билим замини қурилиб берилган. Илк таълим шакллари болаларга мактабгача таълим муассасаларида берилган.

Мактабгача таълим болалар муассасалари – мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий таълим-тарбия муассасаларидир. Ўзбекистонда бу муассасаларга болалар яслиси, ясли-боғча, болалар боғчаси киради. Мактабгача таълим болалар муассасалари 2 босқичдан иборат. 1-босқич болалар яслиси бўлиб, у 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларни ақлий ва жисмоний ривожлантириш, нутқини шакллантириш, уларни моддий борлиқ, атроф-олам билан таништириш ҳамда гигиена масалалари бўйича амалдаги таянч дастур асосида таълим-тарбия берилади. 2-босқич болалар боғчаси бўлиб, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларнинг маънавий камолотини таъминлаш, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари учун йўналтирилган таълим-тарбия жараёни амалга оширилади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ҳам мактабгача таълим болалар муассасалари мавжуд бўлиб, улар махсус дастур ҳамда техник воситалар билан таъминланади.

Ўзбекистонда мактабгача таълим болалар муассасаларининг моддий техника базаси ҳамда методик таъминотини яхшилашга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинган. Ўзбекистонда давлат ва нодавлат шаклидаги мактабгача таълим болалар муассасалари мавжуд.

Улар қайси ташкилот қарамоғида бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги уларни кадрлар билан таъминлайди ва уларнинг фаолиятига илмий-педагогик жиҳатдан раҳбарлик қилади. Мактабгача таълим болалар муассасалари учун тарбиячи ва методистлар Тошкент педагогика университети, педагогика институтлари ва коллежларида тайёрланади.

Ўзбекистонда 8000 га яқин мактабгача таълим болалар муассасалари бўлиб, уларда 800 мингдан ортиқ бола тарбияланади.

**АРХИТЕКТУРАВЙЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Битирув малакавий иши (лойиҳаси) мавзуси “**Бинафша болалар боғчасининг ўйингоҳ майдончаларининг дизайн ечими**” бўлиб, улар Бош режа, фрагментлар, топографик режа, ҳудуд ободонлаштирилиши ва ландшафт дизайни намуналари, ўйингоҳ майдончалари дизайн ечими ва шу каби ландшафт элементларидан ташкил топган.

Диплом ишини асосий ташкил қилувчи элементлари кичик ва катта **беседкалар, (суҳбатгоҳ) мўъжаз меъморий шакллар, фавворалар, йўлаклар лойиҳаси, пиктограммалар, плакат, логотип ва тўшалмалар ҳамда ободонлаштириш** ишлари ҳисобланади.

Болалар боғчаси ҳудудида қуйидаги зоналар жойлаштирилади: болалар боғи, ўйин майдончалари мавжуд бўлган ёзги айвон, яшил экинлар. Хўжалик ҳудуди, йўллар, йўлаклар.

Икки гуруҳга мўлжалланган айвонли майдончалар болаларнинг асосий вақтини ўтказадиган, шунингдек, уларнинг организмини тоблаш ва дам олишни ташкил этиш учун мўлжалланган. Майдончани шундай лойиҳалаш керакки, тарбиячилар ҳар қандай вақтда болалар нима билан шуғулланаётганини кўриб туриши лозим. Ҳар хил гуруҳдаги болаларнинг ўзаро алоқасига йўл қўймаслик учун ҳар бир майдончани бошқаларидан яшил экинлар билан ажратилади (жадвал).

Гуруҳ майдончалар ҳудудини қуйидаги зоналарга ажратиш

Зоналар	Болалар ёшига қараб зона ўлчамлари	
	3 ёшгача	3 дан 7 ёшгача
Соябон	32	32
Жисмоний тарбия ускуналари ва манежлар	20	50
Гуруҳ ўйинлари	50	55
Қум майдончаси	15	15
Тинч дам олиш	33	28

Соябонлар гуруҳ машғулотлари ва фаол ҳаракат талаб қилмайдиган (китоб ўқиш, қўғирчоқ ўйнаш) ўйинлар учун мўлжалланган. Тинч дам олиш ҳудудида болалар скамейкалари ва столлари жойлашган “яшил чўнтаклар” қўлланилади. Майдончада соябондан ташқари қум майдончаси бўлиши керак. Майдончада болалар фантазиясини ривожлантирадиган ва осон йиғиладиган ускуналар катта аҳамиятга эга.

Умумий майдонлар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун қурилади. Унга жисмоний тарбия майдони, тирик бурчак, полиз, мевали боғ, чўмилиш ҳовузи, велосипед учун ҳалқасимон йўлак ва ҳ.к. киради. Жисмоний тарбия майдони (250 м²) тирмашиб чиқиш, волейбол, баскетбол, сакраш ва бошқа ҳаракатчан ўйинлар ускуналари билан жиҳозланади. Тирик бурчак (20 м²) боғчанинг хўжалик ҳудудига яқин жойлаштирилади. Бу ерда куён, товуқ, ва б. Кичик ҳайвонлар учун қафаслар жойлаштирилиди. Полизга жануб томондан соя тушмаслиги керак. Жўяклар иложи борица шарқдан ғарбга қаратиб жойлаштирилиши лозим. Полизни карам, помидор, илдизмевали экинлар учун ҳудудларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Жўяклар эни 1 м, узунлиги 3 м. Болалар боғи ландшафтини ташкил этиш 69-расмда келтирилга. Мевали боғда асосий мевали дарахт ва буталар турлари (олма, нок, олча, гилос, смородина, малина) бўлиши лозим. Болалар чўмилиш ҳовузи (25-30 м² ва 25-50 см чуқурликда) болаларни тоблаш ва сув ўйинларини ўтказиш учун мўлжалланган. бундан ташқари, кемалар сузиши учун ариқлар ўтказиш тавсия этилади. Бу ариқлар гуруҳ майдонлари ёнидан ўтказилиши мумкин.

Болалар боғчаси ҳудуди периметри бўйлаб буталар 2 қатор тирик панжара қилинади ва эни 5 м дан кам бўлмаган чизикда дарахт қатори экилади. Умумий фойдаланишга мўлжалланган майдончалар атрофидаги дарахтлар ҳаво айланиши ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилиди. Дарахт ва буталар шундай жойлаштирилиши керакки, майдон ҳудудининг катта қисмида (55 %) кун давомида куёш тушишит лозим. Дарахт ва буталар боғча биносига соя қилмаслиги керак , шунинг учун дарахтлар бинога 10 м дан яқин экилмайди, буталар эса 5 м дан яқин экилмайди.

Гулзорлар асосан майдон ва биноларнинг кириш қисмига, шунингдек, бино ва халқа йўли ўртасида йўлак қилиб жойлаштирилади. Ҳар бир гуруҳ майдончалари атрофига гулпушталар экиш тавсия этилади. Гулзорларга кўпйиллик гуллар (попукли флокс, пион, делфиниум, аквилегия, рудбекия ва ҳ.к.) ва узоқ гуллайдиган бир йиллик (хитой астраси, антирриум, петунья, цинния, класия, портулак, космея ва б.) экиш мақсадга мувофиқ.

Хўжалик ҳовлиси ҳудуд чегарасига бевосита туташган бўлиб, бошқа ҳудудлардан ҳатто болаларнинг беҳосдан кириб қолишига йўл қўйилмайдиган даражада ажратилиши лозим. Хўжалик ҳовлиси ахлат йиғиш қурилмалари, кир қуритадиган майдончалар ва хўжалик омборидан ташкил топади.

Йўллар эни 3,5 м ва 12х5,5 м ли бурилиш майдончаси билан лойиҳаланади. Уларни бино бўйлаб енг қисқа масофада ва фасад қисмидан 8 м узоқликда лойиҳаланади. Бинодан болаларни гуруҳ майдончаларига ва гуруҳ майдончаларидан умумийга ўтиши учун 1 – 1,5 м ли йўлаклар ётқизилади. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар майдончалари ўзаро велосипед учиш учун мўлжалланган халқа йўлак билан боғланади. Йўлаклар қаттиқ бўлмаган копламалар билан қопланади (ғишт, кум, шағал, гравий, майда гравий ва ҳ.к.).

Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари 6-7 ёшгача бўлган болалар учун давлат тарбия ва соғломлаштириш муассасалари ҳисобланади.

Республикамиз амалиётида болалар ёшидаги гуруҳларга қуйидагилар қабул қилинган:

А) 3 ёшгача бўлган ясли болалар;

- 1 ёшгача бўлган кичик ясли болалар (15 та бола, бир гуруҳда);
- 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган ўрта ясли болалар (20 та бола, бир гуруҳда);
- 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган катта ясли болалари (20 та бола бир гуруҳда);

Б) 7 ёшгача кичик мактабгача ёшдаги болалар;

- 3-4 ёшдаги кичик болалар (25 та бола бир гуруҳда);
- 4-5 ёшдаги ўрта болалар (25 та бола бир гуруҳда);
- 5-6 ёшдаги катта болалар (25 та бола бир гуруҳда);
- 6-7 ёшдаги тайёрлов гуруҳлари (25 та бола бир гуруҳда).

Соғлом ва ақли расо мактабгача ёшдаги болалар учун умумий типдаги муассасалар асосий тип ҳисобланади.

Махсус типдаги болалар муассасалари қуйидагилардир:

1. Болалар уйлари (ота-онасидан ажралган болалар учун).
2. Санитария соғайтириш (юқумли касалликлар билан касалланган болалар учун)
3. Махсус (юраги порог, кўзи ожиз, ақли заиф болалар учун) муассасалар болаларни ёшига қараб қуйидагиларга бўлинади:
 - болалар яслиси – бир ёшдан 3 ёшгача;
 - болалар боғчаси – 3 ёшдан 7 ёшгача;
 - болалар ясли-боғчаси бир ёшдан 7 ёшгача.

Болалар муассасалари сиғимига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- кичик сиғимли – 4 та гуруҳ;
- ўрта сиғимли – 5-8 та гуруҳ;
- катта сиғимли – 9-14 та гуруҳ.

14 та гуруҳдан ошган Б.М. мажмуа ҳисобланади.

Сиғимига қараб ҳозирги нормаларга асосан Б.М. 6 та типдан иборат, яъни 50, 95, 140, 190, 280, 330 ўринли бўлиб 2, 4, 6, 8, 12, 14 гуруҳга тўғри келади. 560-660 ўринли Б.М. лар болалар ясли-боғча комплексига ҳисобланиб, 24-28 гуруҳлардан иборат бўлади.

Ўтган асрнинг 50-йилларгача қадар болалар яслиси ва болалар ясли боғчасини бирга қуриш кенг тарқалди. Ясли-боғчаларни бирга қурилиши айрим қурилишдан қулайлиги, уларда ясли ва боғча болаларининг бирга тарбияланиши. Тиббий хизматларга яхши шароит яратилиши, педагогик тарбия, кўп болали ота-оналарга қулайлик яратишдан (ҳар хил ёшдаги болаларни бир Б.М. олиб бориш) иборат.

Ясли-боғчалардан биргаликда фойдаланганда хизмат қилиш радиуси камайишини, арзон қурилишига ва эксплуатацияга олиб келади.

Болалар боғчаси – яслиларнинг асосий хоналари

- болалар гуруҳлари хоналари;
- хўжалик ва маъмурий хоналар;

- болалар учун умумий хоналар;

Алоҳида болалар гуруҳи хоналари




- қабул ва кўрик хонаси (8-10м²);
- ечиниш хонаси (15м²);
- гуруҳ ошхонаси (60-65м²);
- веранда (25-30м²);
- хожатхоналар: яслиларда – 10м², боғчаларда – 8м²;
- овқат тарқатиш хонаси (6м²);

Мактабгача болалар муассасалари


Мактабгача болалар муассасалари учун бинолар қурилиши оммавий қурилишларнинг кенг тарқалган турларидан бирига айланган. У маҳаллий табиий иқлим шароитларга мослаштирилган ҳолда, асосан типик лойиҳалар асосида қурилади. Шаҳар ва қишлоқ болалар муассасалари орасидаги фарқ бутунлай тугатилган.

Сифими бўйича ҳисоб китоб ҳар 1000 кишига 90 та бола ўрни ҳисобида амалга оширилади. Улар $\frac{1}{2}$ нисбатда, яъни, 30 ўрин ясли ёшидаги болаларга, 60 ўрин боғча ёшидаги болаларга мўлжалланади.

Болалар муассасалари ҳар бир микрорайонда бўлиши ва уларнинг марказий қисмида жойлашган бўлиши, атрофи ўралган бўлиши ва интенсив транспорт катнови йўлларида узокда жойлашган бўлиши, худуди яхши кўкаламлаштирилган бўлиши керак.



Yorug'lik 1:4 va 1:5



Yacheyka:
 1 – o'yinxona;
 2 – ayvon;
 3 – hojatxona;
 4 – bufet;
 5 – qabulxona (bog'cha bolalarga),
 yechinadigan xona (yasli bolalarga).

62-rasm. Bolalar muassasalarida guruhlar joylashishi.

БАДИЙ

ҚИСМ

Битирув малакавий иш мавзуси «**Бинафша болалар боғчасининг ўйингоҳ майдончаларининг дизайн ечими**» бўлиб, бино худудининг, муҳитининг, ўйингоҳларининг дизайни масаласи қараб чиқилган. Ушбу объект Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида жойлашган.

Тайлоқ тумани 1992 йил 9 апрелда ташкил топган бўлиб, умумий ер майдони 0,28 минг км² ни ташкил қилади. Туман маркази Тайлоқ шаҳарчаси. Туманда 180 минг аҳоли истиқомат қилиб, туманда 1 та шаҳарча фуқаролар йиғини, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 50 маҳалла фуқаролар йиғини ва 100 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд.

Тайлоқ тумани Самарқанд, Ургут, Булунғур, Жомбой туманлари билан чегарадош. Самарқанд шаҳригача бўлган масофа 10 километрни ташкил қилади.

Туманда 58 та умумтаълим мактаблари, 39 та мактабгача таълим муассасалари, 6 та касб-хунар коллежлари, 3 та шифохоналар, 23 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд.

Диплом лойиҳа иши:

Бош бино бош режаси, (ген план), худудий режа, кичик меъморий шакллар, дарахт ва ҳар хил усимликлар ҳамда уларнинг турлари, логотип, пиктограммалар, дам олиш жойлари, уриндиклар, фавворалар, табиий тушалмалар, чим ва газонлар, ахборот қурилмаси ва шу каби ландшафт-дизайн элементларидан ташкил топади.

Битирув малакавий иш мавзуси “**Бинафша болалар боғчасининг ўйингоҳ майдончаларининг дизайн ечими**” бўлиб, лойиҳалаш давомида ушбу объект чуқур ва обдон ўрганиб чиқилди, унинг майдони, ўлчамлари, манзарали ва мевали дарахтларнинг турлари, декоратив дизайн элементлари ва унга ечим бериш учун зарур қилинадиган ишлар бажарилди.

Болалар боғчаси худудининг, ўйингоҳларининг дизайн ечимини лойиҳалаш жараёнида, барча архитектуравий ва ландшафт дизайни талаблари инобатга олинган. Унинг умумий жойлашиш функциялари, бошқа хиёбон ва аллеялар билан уйғунлик даражалари, ранг ва

конструкциялари, қурилиш материалларининг ҳаммаси анализ ва тадқиқот ишлари орқали бажарилган.

Битирув малакавий иш 2400x1600 мм ўлчамдаги фотоқоғозда компановка қилинган бўлиб, у ўз ичига – логотип, пиктограммалар, ахборот қурилмалари вариантлари, асосий ландшафт элементлари лойиҳаси, эмблема ва ташриф қоғозлари, топографик харита, боғча бош режаси, кичик архитектура шакллари (ўриндиқлар, фавворалар, ахлат қутилари, тунги ёритгичлар) ва ҳоказалардан ташкил топади.

“Бинафша” болалар боғчаси ўйингоҳларининг дизайн ечими ўзига хос креатив ғояларга бой. Унда экологик тоза маҳсулотлардан болалар аттракционлари, табиий қурилиш материаллари, замонавий кичик меъморий шакллар, ландшафт дизайни элементлари чиройли қилиб компоновка қилинган.

Бундан ташқари плакат лойиҳалари болаларга хос тарзда ишланган бўлиб қуйида бир нечта намуналар ва аналоглар келтирилган:



Плакат композицияси



Бинафша ушлаган қизалок



МТМ учун плакат вариантлари



ПІКТОГРАММАЛАР



Мактабгача таълим тизими

Мактабгача таълим муассасалари – Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларининг тури бўлиб, турли йўналишдаги мактабгача бўлган даврдаги умумтаълим дастурларини амалга оширади. Мактабгача таълим муассасалари 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни тарбиялашни, ўқитишни, назорат қилишни, парваришлашни ва соғломлаштиришни таъминлайди.



Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ва бутлаш, ҳамда мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари, жавобгарлиги, бошқаруви ва таълим жараёни қатнашчилари тўғрисидаги керакли маълумотларни “Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” дан олишинигиз мумкин.

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими

Мактабгача таълим муассасалари, фаолият йўналишига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- Болалар яслиси, болалар ясли боғчаси, болалар боғчаси, уйдаги болалар боғчаси (мустақил муассаса ёки филиал сифатида).
- Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси (болалар боғчаси-мактаб).
- Тарбияланувчиларни бир ёки бир нечта йўналишда (тил, бадиий эстетик, спорт ва бошқалар) тарбияловчи мактабгача таълим муассасалари.
- Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий ривожланишдаги оғишларни квалитацион яхшиловчи тикловчи турдаги болалар боғчаси.

- Тиббиёт гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбир ва процедураларини амалга оширувчи заифлашган болаларни назорат қилиш ва соғломлаштириш боғчаси.
- Бирлаштирилган турдаги болалар боғчаси (бирлаштирилган турдаги болалар боғчасига ривожлантирувчи, тикловчи ва соғломлаштирувчи гуруҳлар умумлаштирилган кўринишда киради)



Мактабгача таълим муассасасининг иш тартиби ва у ерда болаларнинг бўлиш давомийлиги давлатнинг мактабгача таълим сифат ва даражасига бўлган талаблари, низом, мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар орасида тузилган шартнома, ҳамда таъсисчилар томонидан белгиланди.

Имкониятлари чекланган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари ташкил қилинган бўлиб, у ерга болалар давлатнинг жойлардаги ваколатли таълимни бошқариш ва соғлиқни сақлаш органлари тарафидан ташкил қилинган руҳий-тиббий педагогик комиссиянинг хулосасига биноан қабул қилинади.

Махсус мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби, мол-мулки ва пул маблағлари, махсус мактабгача таълим муассасасида ўқув-таълим ва соғломлаштириш жараёнини ташкил қилиш, таълим жараёни иштирокчилари ва махсус мактабгача таълим муассасасининг бошқаруви ҳақидаги тўлиқ маълумотлар “ Махсус давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом” да кўрсатилган.

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий мақсадлари

Мактабгача таълим, олинмиш шакли ва усулларида қатъий назар, қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди:

- Болаларни мактабда ўқишга мақсадли ва тизимли тайерлаш;
- Болаларнинг шахсий қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш;
- Болаларни миллий, умуминсоний ва маданий қадриятлар билан таништириш, болани интеллектуал ривожлантириш;
- Болаларда юқори маънавий ва одоб ахлоқ асосларини шакллантириш;
- Болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини мустаҳкамлаш.

Мактабгача таълим мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ижтимоий ва хайрия ташкилотлари, маҳалла, халқаро фондлар фаол иштирок этадилар.

Ўзбекистонда мактабгача таълим давлат тилида ҳамда қорақалпоқ, рус, тожик, қирғиз, қозоқ ва туркман тилларида олиб борилади.

ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

Диплом лойиҳа иши “Бинафша болалар боғчаси ўйингоҳларининг дизайн ечими” мавзусида бўлиб, унда боғчанинг меъморий дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом иши дизайн ечими лойиҳаси ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда инсонларни хавфсизлигини таъминлаш, электр хавфсизлиги ошириш ва ёғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўрганиб чиқилиб хилма-хил функциявий ландшафт-дизайн ечими кўриб чиқилган.


Объект Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида жойлашган бўлиб, ҳаво хавзасига нисбатан кам ифлосланган, экологик тоза ҳудудда жойлашган. Бинонинг шарқ томонида турар жойлар, шимол томонида жамоат бинолар, жануб томонида маҳалла фуқаролар йиғини биноси ва ғарб томонида озиқ овқат дўконлари жойлашган.


Регионнинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера ҳавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Меъморий-ландшафт ечимида шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши ва ёғингарчилик вақтида сувларнинг кетиш йўли, ҳавонинг исиб кетиши, ҳавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, ҳавонинг тезлиги энг муҳим ўринни эгаллайди.

Қуйида климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффицент	A		200
Ер рельефининг коэффиценти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{и}$	° C	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	$T_{с}$	° C	- 3
Шамол тезлиги, 5% такрорланувчанликда аниқ бўлган	U^C	м/с	6
Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	$W_{ср}$	м/с	2,0

Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3
	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	%	7
	ЖҒ	%	5
	Ғ	%	10
	ШҒ	%	6





Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совиб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, zilзиллага ва санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратилади. туриб истеъмол қилиш қатъиян маън этилади.

ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА РАНГЛАРНИ ТАЪСИРИ

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзга қамаштирмайдиган рангда бўйаш, ёритиш, мусиқа, безаш - толиқишнинг олдини олишда, рухий физиологик йуналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларини яшил рангга буяш мақсадга мувофиқ, чунки, бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам, тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарни ускуналарини буяш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил ва сариқ ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни, созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўйаш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб инсон организми ҳимоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Буюқлардан, шунингдек,

ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари, цехдаги жумроклар ва бошқа ускуналарни тиниқ рангларга буяш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис тарқалиши, цехнинг ички томонларини бадиий безатиш, чиройли ва қулай иш кийими толиқишнинг олдини олади. Меҳнатнинг тиббий шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Чанг, газ, шовқин ва тебранишларни камайтириш, меъёрий микроиклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбга алоқадор ва касбга алоқаси бўлмаган касалликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилиятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шароит ҳисобланади

СЕЛ ХАВФИ ВА СУВ ТОШҚИНИ ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ

Сув тошқини – дарё, кўл ёки бошқа сув ҳавзалари сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида жойнинг вақтинчалик сув остида қолиши.

Сел- тоғ дарёлари ўзанларида тўсатдан юзага келувчи, сув, тоғ жинслари бўлаклари аралашмасидан иборат лойқа ёки лой тошли оқим.

Сел хавфи ва сув тошқини бўлгангача ҳаракат

- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши мумкин бўлган жойларни билиб олинг.
- Қурилиш ишларини фақат давлат органлари рухсати билан олиб боринг.
- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши тўғрисидаги хабарни олгач, газ, электр тармоқларини ўчиринг ва қимматбаҳо буюмларнингизни хавсиз жойларга олиб чиқинг.
- Олдиндан хавфсиз жойларни ва у ерга чиқиш йўлларини белгилаб қўйинг.
- Озиқ – овқат, кийим кечак, дори дормонларни ва кутқарув воситаларини тайёрлаб қўйинг.
- Аввалдан белгилаб қўйилган йўналиш бўйича тезликда хавфсиз жой (тепалик, юқори қават, болохона, том)га чиқинг.
- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олгач, режага асосан ҳаракат қилинг.

Сел ва сув тошқини вақтидаги ҳаракат.

- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олишингиз билан аввалдан тайёрлаб қўйилган энг зарур буюмларни олиб чиқиб кетинг.
- Саросимага тушмай, олинган ахборот ва вазиятни тезда баҳолаб, қарор қабул қилгач унга биноан ҳаракат қилинг.
- Сел ва сув тошқини бўлиши мумкин бўлган хавфли майдонларни тезда тарк этинг.
- Сел оқимиға тушиб қолсангиз, оқим ҳаракати бўйлаб бурқак остида қирғоққа чиқиб олишга ҳаракат қилинг.
- Гулхан ёқиб, фонар ёки оқ мато ёрдамида ҳалокат сигналини беринг.
- Сув ичида қолсангиз, устки кийим-бошларнингиз ва пойафзалингизни ечиб ташланг, атрофинигиздаги сузувчи воситалардан фойдаланинг.
- Болалар ва кексаларга ёрдам беринг.

Сел ва сув тошқинидан сўнги ҳаракат.

- Сел ва сув тошқини бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинг.
- Болаларга, кексаларга ва шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг.
- Уйингизнинг мустаҳкамлигини синчиклаб текшириб чиқинг.
- Турар жойингиз қум, тош, лойқа билан тўлиб қолган бўлса, тозалаш ишларини ўтказинг.
- Узилган ва осилиб ётган электр симларидан эҳтиёт бўлинг. Сув остида қолган жойлардаги электр таъминотини тезда ўчиринг.
- Озиқ овқат маҳсулотларинининг сифатини текшириб кўринг. Нам тортган маҳсулотларни ва ичимлик сувини тегишли санитар ишловдан ўтказмай

Ўтни ўчиришни дастлабки ускуналари.

Ўтни ўчириш ускуналари: қўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механик ёки автоматик ҳаракатга келтириладиган ускуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма ускуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнғин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга

мўлжалланган, ёнғинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа ускуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПД.

Ёнғинга қарши «қалқон» ва ундаги асбобларни ўрнатилиши.

Унда ёнғин хавфсизлиги меъзонларига кўра қуйидаги ўт ўчириш воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинадиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

2 дона қўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;

1 дона карбонат ангидридли ўт ўчиргич;

2 тадан мисрон ва илгакли чангақлар;

2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;

2 та махсус тайёрланган конуссимон челаклар;

2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та қутида қум ва ҳ.к.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи

мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» ҳисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, қум солинадиган қутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.

Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суяқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюиносулфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг курук ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик қувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сулфат жавҳари H_2SO_4 ёки сулфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий вазифалардан бири бу – фавқулодда вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш йўллариининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқишидир.

ЛОЙИҲАДА эвакуация режасини келтиринг

Ҳар қандай мақсадда қурилган иншоот ва бинолар(яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини муҳим жараён деб қараш зарур. Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса—мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқиши Боғда жойлашган бино ва иншоотларда хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва каридорлар бўйлаб юриб, зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган ғавқулдда вазиятларнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация пайтида ўзининг мустақил ҳаракатлана олиш нуқтаи-назаридан кишиларнинг ҳолати одамлар оқимини характерлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар муассасалари, касалхоналар, даволаш муассасалари, лицейлар, мактаблар, коллежлар, меҳмонхоналар ва театрларни алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини меъёрлар талаблари билан асослаш лозим. Хоналар, каватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чиқиладиган одамларнинг эҳтимол тутилган энг куп сонидан ва йул қўйиш мумкин булган чегаравий масофадан, одамлар булиши эҳтимоли булган энг узокдаги(ишчи урни) жойдан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача булган масофадан келиб чиқиб аникланади.

Турли хизматлар учун мулжалланган ёнгин хавфи булган, ёнгинга қарши тусиклар билан ажратилган бино кисмлари мустақил эвакуация чиқиш жойларига эга булиш лозим.

Куйидагилар энг камида икки эвакуация чиқиш жойига эга булиши керак: Болалар богчалари, мактабгача муассасалар, қариялар уйлари, касалхоналар, бир вақтнинг узида 10 нафардан ортиқ одам келиб туришига мулжалланган мактаб-интернатлар, ётоқ корпуслари хоналари;

- бир вақтнинг узида 15 дан ортик одам келиб туришига мулжалланган ертула ва пастки каватлар хоналари;
- 50 дан ортик одам келиб туришига мулжалланган хоналар;
- ишлаб чиқариш ва омбор бинолари, А ва Б тоифадаги хоналар ва иншоотлар
- ишловчиларнинг энг куп сони сменада 5 кишидан ортик, В тоифасида - 25 кишидан ортик ёки майдони 1000 м^2 булганда;
- ишлаб чиқариш ва омборхоналардаги курсатишга мулжалланган жихозларга хизмат очик жовонлар ва майдонлари А ва Б тоифадаги хоналар учун полнинг сатхи 100 м^2 дан оширок, бошка хоналар учун 400 м^2 дан оширок булса;
- куп каватли уйларда хонадон икки каватдан юкорида жойлашганда, юкори кават 15м дан ортик булса, хар бир кават чиқиш йулига эга булиши керак.

Куйидаги бинолар каватлари камида битта эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши лозим: .

- болалар мактабгача муассасалари, қариялар ва ногиронлар уйлари, касалхоналар, мактаб-интернат ётоқ корпуслари, бекатлар, мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, урта махсус укув юртлари, касб-техника укув юртлари, олий укув юртлари, малака ошириш муассасалари;

Бино ва иншоотларда одамларни ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараёни кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисида бино ёки хоналардан ёнгин ёки зилзила шароитида одамларни ҳавфли муҳитдан ҳавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.

Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охириги қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юкори қаватидаги хоналари киради.

Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради.

Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуация иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

Учинчи поғонага одамларни юқориги қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.

Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюл ёки фойе ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

Эвакуация йўллари деб, бино ва иншоотларда хавфли ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, қисқа вақт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимига айтилади. Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги махсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.

Чиқинди ва чанг тупланишига мулжалланган бункер остида ёнмайдиган материаллардан ўтиш йўллари лойиҳаланиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларини технологик лойиҳалаш меъёрларига асосан портлашга, ёнгинга қарши ва ёниш хавфсизлиги талаблари бўйича қабул қилиш керак.

Бир йўналиш бўйича ҳаракатланаётган кишилар оқим зичлиги, ҳаракат тезлиги, ҳаракат интенсивлиги ва йўл қисмининг ўтказиш қобилияти қаби курсаткичлар билан таърифланувчи одамлар оқимини ташкил этади.

Одамлар оқими зичлиги эвакуация йўлида-майдон бирлигида жойлашувчи одамлар микдорини ташкил этади. Катта ёшдагиларни эвакуация қилишда зичлик 10-12 одам/кв.м ни, ўқувчиларни эвакуация қилишда 20-25 одам /кв.м ни ташкил этиши мумкин.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йўл туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тупланмаслиги учун ҳаракат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

-горизонтал йўл учун 15м/дақиқа

-зина оркали пастга 8м/дакиқа

-зина оркали юкорига 11 м/дакиқа

Одамлар окими интенсивлиги, эвакуация йулидаги 1 метр эшик оркали 1 дакиқа ичида утувчи одамлар сонини таърифлайди.

Йул кисмининг утказиш кобилияти ундан вақт бирлигида утган одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сунг ёнгин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга хавфли омиллари пайдо буладиган вақтга айтилади.

Битта эвакуация чиқиш жойига эга булган хоналар учун ҳамда ҳар бир эвакуация чиқиш жойига одамлар сони 50 кишидан ошмаса ва энг узок иш жойидан энг якин эвакуация чиқиш жойигача булган масофа 25 м дан ошмаган холда эвакуация вақти ҳисоби ишлаб чиқилмайди.

ЭЛЕКТРДАН ЖАРОҲАТЛАНГАНДА ДАСТЛАБКИ ТЕЗ ЁРДАМ

Электрдан жароҳатланган кишини дарҳол токнинг таъсиридан ҳалос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига ҳалақит бермаслик керак. Доим ахволдан, юрак уриши ва нафас олишидан хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса ҳидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тикилиб, нафас йўлини тўсаётган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиқлиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.


Токдан ажратиб олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб ҳалос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич (рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан токни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир

куруқ ток ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасса таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам хавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани токли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг куруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиб олишингиз мумкин. Бу тадбирларни 1000 вольтдан кам бўлган кучланишли тармоқларда ишловчи ускуналарда қўллаш кўзда тутилган. 1000 вольтдан юқори кучланишли

тармоқлардан жароҳатланувчиларни ажратиш учун албатта халоскор қўлига диэлектрик қўлқоп (ток ўтказмайдиган қўлқоп) ва оёғига бўти кийган ҳолда диэлектрик штанга ёки махсус омбир ёрдамида кийимнинг мустаҳкам жойидан ушлаб тортиб ажратиш зарур.



Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармогидан узиб қўйиш; 4.5.6-

занжир таъсиридан одамни ажратиб олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароқатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш керак бўлади. Бу тадбир одамни токдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади. Натижада жароҳатланиш даражасини енгиллатади. Ердан қўл етмайдиган даражада баландроқ жойда электр тармоғига уланиб қолган одамни, юқорида қайд қилинган тартиблардан бирини қўллаган қолда жароқатланувчи остига ердан 0,5 - 1,0 м баландликда пишиқроқ матодан ёки кенгроқ тикилган устки кийимдан фойдаланиб 2 ёки ундан ортиқ одам ёрдамида чодир тутмоқ лозим. Бунинг оқибатида токдан ажратилган қушсиз одамни ерга қаттиқ тушиб жароқатланишидан асраб қолинади.

ЕР СИЛКИНИШИ(ЗИЛЗИЛА) ВА

УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки катламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки катламида узоқ вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир.

Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи фожиа бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан пастда “мантия” қатламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин. Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жиҳозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Ер силкинишининг оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш;
- Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки, булар инсон ҳаётига хавф солади);
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш;
- Талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш;
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Шунинг учун ҳар бир корхона раҳбари ер силкиниши оқибатларини камайитиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- Ҳудуднинг сейсмик харитаси, унда zilзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;
- Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини қуриш;
- Зилзила содир бўлиб қолган ҳолда аҳоли ўзини қандай тутиши ва ҳатти-ҳаракатлари ҳақида тушунтириш.

Зилзила рўй берганда аҳолининг ҳаракати

Зилзилага қадар бўлган ҳаракат:

1) Уйингиз ва ишхонангиздаги энг хавфсиз жойларни олдиндан аниқлаб қўйинг.

2) Энг зарур нарсаларингиз (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, дори кутиси) доимий тайёр ҳолда турсин.

3) Электр, газ ва сув тармоқлари беркитгичлари жойлашган ерни ҳамда улардан тезликда фойдаланишни ўрганиб олинг.

4) Осма буюмларни маҳкамлаб қўйинг.

5) Оғир буюмларни иложи борича полга яқинроқ жойлаштиринг.

6) Йўлаклар ва чиқиш йўллари буюмлар билан тўсиб қўйманг.

7) Зилзила тугагандан сўнг оила аъзолари йиғилиши лозим бўлган жойни аввалдан шартлашиб олинг.

Зилзила вақтидаги ҳаракат:

1) Биринчи қаватда бўлсангиз, тезда бинодан чиқинг, юқоридан кўчиб тушаётган нарсалардан эҳтиёт бўлинг.

2) Иккинчи ва ундан юқори қаватларда аввалдан белгилаб қўйилган хавфсиз жойларни эгалланг.

3) Дераза, айвон ва печкалардан узоқроқда бўлинг.

4) Лифт ва зиналардан фойдаланманг.

5) Кўчада кулаб тушиши мумкин бўлган бино, иншоот, баланд девор, электр тармоқларидан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

6) Автомобилда кетаётган бўлсангиз, машинани тўхтатинг ва зилзила ўтиб кетмагунга қадар ташқарига чиқманг.

7) Кулаб тушиши мумкин бўлган кўприк, эстакада ва бошқа иншоотларга яқинлашманг.

Зилзиладан сўнгги ҳаракат:

1) Саросимага тушмай, хотиржамлик билан вазиятни баҳоланг, жабрланганлар ва болаларга ёрдам беришга киришинг.

2) Сув, газ, электр тармоқлари ҳолатини текширинг.

3) Гугурт ёқманг, очиқ оловдан фойдаланманг.

4) Электр симлари ва уларга тегиб турган буюмлардан эҳтиёт бўлинг.

5) Ёрдамнинг зарур бўлмаса, вайроналарга яқинлашманг.

6) Шикастланган биноларга киришда ва улар ичида эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг.

7) Жабрланган ёки вайрона уюмлари остида қолган бўлсангиз, атрофдагиларнинг диққатини ўзингизга жалб қилишга ҳаракат қилинг. Асло тушқунликка тушманг, сизни албатта қутқариб олишади!

8) Телефон тармоқларини ортиқча банд қилманг.

9) Қайта силкинишларга тайёр туринг, берилаётган ахборотларни кузатиб boring.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ҳамда сув тошқинлари ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади. Яъни диплом лойиҳасида “Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти “Архитектура” факультетининг ички ҳовлисини “Қишги боғ”ининг жойи, ернинг муҳандислик-геологик маълумотлари ва сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур.

ЁРИТИЛГАНЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Амалиётда иш жойларини ёритишда уч хил кўрнишдаги ёритилганликдан фойдаланилади, яъни улар табиий, сунъий ва аралашган холда бўлади.

Табиий ёритилганлик қуёшдан, ҳамда еру-самодан қайтаётган қуёш нуридан ҳосил бўлган ёруғлик махсулидир.

Табиий ёруғлик иссиқлик ва ёруғлик доимийларига эга бўлиб, улар қуёшдан келаётган иссиқлик учун 1317 Вт/м² га, ёруғлик учун эса 137000 лк.га тенгдир.

Табиий ёруғликнинг афзалликларн шундаки, унинг таркибида ута фойдали ультрабинафша ва инфракизил нурлари бор. Бу нурлар муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади, яъни микробларни улдириш хусусиятига эгадир. Табиий ёруғликдан уч хил мосламалар ёрдамида, яъни томдан фонар оркали, девордан дераза оркали ва аралаш холдаги тизимлардан фойдаланилади.

Табиий ёритилганлик тизимларига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат: ёруғлик миқдорини бинонинг вазифасига қараб танланиши, йуналтирилган ёки тарқок холларда бўлишлигини таъминланиши; инсоляция ва ёруғлик меъёрларидан кам бўлмаслигини таъминланиши ва бошқалар.

Умуман ҳарқандай ёритилганликнинг асосий вазифаси иш жойларига қузиладиётган буюм ва заррачаларни улчамларини ҳисобга олган холда, қуриш аъзоларининг толиқмасдан ишлаши учун энг қулай шароитини яратишда хизмат қилишдир.

Шу нуқтаи назардан сунъий ёруғлик табиийсига нисбатан бир оз қимматга тушса-да, иш жойларини ёритиш масаласида чегараланмаган имкониятларга эга.

Сунъий ёруғлик умумий, маҳаллий ва аралаш қурилишда бўлади. Умумий ёруғлик ҳонада бир текис ёритилганликни таъминлай олади. Маҳаллий ёруғлик эса фақат асосий иш жойидаги ёритилганликни меъёр талаби даражасида таъминлаш учун хизмат қилади. Қузга салбий таъсир этиб, бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмаслик учун, одатда маҳаллий ёритилганлик умумийси билан биргаликда қўлланилади. Бу холдаги ёритилганлик аралаш усул

дейилади ва хоналардаги яркироклик тафовути - контрастни юмшатади ҳамда меъёр талабини тула кондиралади.

Ёритилганликни вазифасига караб ишчи ва назорат турларидан ташкари яна фавкулотда зарур ҳолатларда хизмат киладиган икки тури ҳам мавжуд. Уларни авария ва эвакуация ёритилганликлари дейилади.

Ишчи ёритилганликни вазифаси иш бажарилаётган жойларда ишчиларнинг иш жараёнида меҳнат буюмлари ва курулларни кузларида ҳеч қандай зуриқишсиз, енгил кура олиш имконини, яратишдан иборатдир. Бунинг учун енгил муҳитдаги иш жойини санитария талаблари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда яратилган СНиП II. 4-79 дан тугри фойдаланиш қиёядир. ГОСТ 12.046-85 га асосан қурилиш майдонларида умумий ишчи ёритилганлик 2 люксдан кам бўлмаслиги керак.

Ёритилганликни назорат тури, қиймат жиҳатидан 2 люксдан ошмаслиги керак ва у асосан тун қоронғусида бирор муҳит ёки чегарани назорат қилиб туриш учун хизмат қилади;

Ёритилганликни учинчи - авария турини захира сифатида фавкулотда асосий ишчи ёритилганлик электр тармоғи ишдан чиқиб қолганда ишни тўхтаб қалмаслигини таъминлаш учун ёки тармоқдаги таъмир ишларини тезда бажариш мақсади учун лойиҳалаштирилади. Бунда ёритилганлик миқдори асосий ишчи ёритилганликни 10 фоизини ташкил қилиши ёки пол юзасида 1 люксдан кам бўлмаслиги шартдир.

Эвакуация ёритилганлиги асосан одамлар серкатнов йулакларда ва эвакуация йуллари бўйлаб урнатилиш зарур. Унинг миқдори бино ичида 0.5 люксдан, ташқарида эса 0.2 люксдан кам бўлмаслиги керак.

Мисол тариқасида очик майдоннинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаб чиқамиз

Очик майдонни сунъий ёритиш учун зарур ёриткичлар сонини аниқлаш талаб қилинади.

Ер сатҳини ёритиш меъёри - $E = 2$ лк; Ёритиш майдони - 50×1300 м; Прожектор тури - ПЭС-45; Лампа қуввати - РЛ-1000Вт.

Қувватни аниқлаш усулидан, прожекторлар сонини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

$$N = \frac{P \cdot S}{P_{\text{л}}}$$

бу ерда: $P = \frac{E_{\text{н}} \cdot K_{\text{з}}}{4} = \frac{2 \cdot 1,5}{4} = 0,75 \text{ вт} / \text{м}^2$ - битта лампанинг солиштирма қуввати;

S - ёритилаётган майдон, м^2 ;

$P_{\text{л}}$ - битта лампанинг қуввати, Вт;

$K_{\text{з}}$ - заҳира коэффиценти, 1,5...1,7;

$E_{\text{н}}$ - ёритиш меъёри, 2 лк.

Зарур бўлган ёриткичар сонини қуйидаги формуладан топамиз:

$$N = \frac{PS}{P_{\text{л}}} = \frac{0,75 \cdot 50 \times 1300}{1000} = 49 \text{ дона}$$

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

Диплом лойихасининг мавзуси:

“Бинафша” болалар боғчасининг ўйингоҳ майдончаларининг дизайн ечими”

Экология қисми бўйича

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1.Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;

2.Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

3.Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

4.Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлилиги;

5.Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

6.Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

7.Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;

8.Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

**1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг)
физико-географик ва иқлим шароитлари;**

Лойиха қилинаётган объект Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида қурилади.

Қурилиш майдони қуйидаги корхоналар билан чегараланган:

Шимолдан озиқ овқат дўконлари, шаркдан “турар жой бинолари”, гарбдан хиёбон, жанубдан маиший дўконлар

Объектдан маълум бир масофада “хиёбони” жойлашган.

Иклим шароити кескин континентал.

2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха қилинаётган объект жойлашадиган район: Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани. Болалар учун ихтисослаштирилган.

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, кимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг кимёвий ифлосланиши:

Автомобил транспортларидан қуйидаги ёқилғи қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: тўтун, газ, инерт газ.

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Қурилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 1,0-1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупроқ, иккинчи пастки қатлами қизил тупроқ, учинчи қатлам шағалдан иборат.

Ер ости сувлари 40-45 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости суви қорбанатли. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқорги унумдор тупроқ қисми шўрланмаган, қучли эрозия қузатилмаган.

Қўп йиллик ўсимликлардан мевали дарахтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар (арча, қайин, каштан) чинор, терак, тут, сохта Каштан ва манунтол.

Қурилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикада учрайдиган қўпчилик касалликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикадаги

кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар бўйича юкори фоизга эга.

5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер ости ва ер усти сув хавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати қониқарли, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбалар қузатилмади.

6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойихаси бўйича ***Бинафша*** болалар боғчаси қурилиши режалаштирилган.

Объект бўйича батафсил маълумот : Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида жойлашган.

Объект пойдевори бетон, девори пишиқ ғишт, том ёпма профнастил. Ер ишлари ҳажми: $W_{ер} = 320 м^3$,

монтаж ишлари $W_{мон} = 24 м^3$. Қурилишга ишлатиладиган материаллар, элементлар, техникалар маркаси. Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси.

Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топади:

Қурилиш майдони ўлчамларини аниқлаш:

- Пойдеворлар учун завор қилиш;
- Пойдеворлар тагидаги заминни мустақамлаш ва текислаш;
- Бино деворларини қўтариш ва томини ёпиш;
- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр, сув таъминоти ва табиий газ тармоқларини ўтказиш;

-Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Объектнинг умумий ер майдони $\Phi_{\text{ум}} = 950\text{м}^2$, шундан, кўкаламзорлаштирилган майдон $\Phi_{\text{зел.н}} = 800\text{м}^2$, қурилиш эгаллаган майдон $\Phi_{\text{стр}} = 1200\text{м}^2$, каттик копламали (асфалтланган, плитка ётқизилган ва х.к.)

Объект қурилишида лойиха қилинган ечимга алтернатив бўлган ечимни экологик нуқтаи назаридан такқослаш (масалан, бино томи ёпилмаси лойихада проф.настилдан қурилиши кўзда тутилган. Алтернатив вариант-шифердан. Такқослаш: проф.настил-рухланган пўлат лист зангламайди, ранглаш талаб қилинмайди, енгил, монтаж ишлари анча тезлашади. Алтернатив вариант-шифер транспартировка ва монтаж вақтида кўп синади. Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор. Асбест хавфлилик тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб, атроф-муҳитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади).

7. Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;

Объект қурилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи асосий манбалар;

-фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини қурилишга олиш

-қурилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;

-ер қазиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-муҳитга кўп миқдорда зарарли ёкилги қолдиқ моддалари ва ҳар хил қанглари ташланади. Ундан ташқари транспорт воситалари шовкин манбаи.

-қурилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш, сув олиш ва оқава чиқазиш;

-қурилишда ҳар хил кимёвий лок-бўёқ моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга кўп миқдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди;

-курилиш давомида кўп микдорда каттик чикиндилар (гишт синиклари,бетон колдиклари,курилиш буюмлари колдилари) хосил бўлади.

б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинадиган тоза сув микдорлари ва оқава сувлар.

Таъмирланадиган бино томонидан сув таъминоти тармогидан олинадиган сув асосан ичимлик-хўжалик,ёнгинни ўчириш ва ховли ва кўчаларни санитар ҳолатини талаб даражада саклаш,дарахт ва кўкаламзорларни сугориш мақсадида фойдаланилади.

Фойдаланишга олинадиган сувнинг микдорлари бу ердаги истеъмолчилар сони ва санитар асбоблари билан жихозланиш даражасига боғлиқ ва унинг меъёрий микдорлари 1.1-жадвалда кўрсатилган.

Ичимлик суви таъмирлаш даврида “Тайлоқ” шаҳар сув таъминоти тармогидан келтирилади.Курилиш тугагач бу бино ҳам шу тармокка уланади.

4.2.-жадвал

Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Солиштира сув меъёри,л	Сув микдори, М ³
Бетон коришмасини тайёрлаш	М ³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	М ³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	М ³	144	150	21.6
Гишт териш ва грунтовка учун сувок	М ³	210	200	42

коришмасини тайёрлаш	М ³	1920	100	192
Жами				327.6
Ичимлик сув сарфи,8 киши х200 кун х 15 л	киши х кун	1600	15	24
Ювиниш учун сув сарфи	киши х кун	1600	25	40
Жами				64
Сув сарфининг умумий сарфи:				391.6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик кўрсаткичлар давлат стандартлари талабларига жаваб бермаса,концентрацияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга қўйиладиган талаблар.Мактабда пайдо бўладиган оковалар маиший характерда бўлиб уларнинг меёрий кунлик микдори 16м³,

йиллик микдори эса 9м³ ни ташкил килади.Бу оковаларнинг таркиби асосан кум, муаллак моддалар ва органик бирикмаларидан ташкил топади. Уларнинг сифат кўрсаткичлари доимий эмас. Бу оковаларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллак моддалар 40 г/киши-сут, хлор бирикмаларидан 65 г/киши-сут ни ташкил илади.

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оковалар тўлик биологик усулда тозаланади. У пайитгача бу оковалар бетон

ўраларда тўпланадилар ва ўралар тўлиши билан уларни туман СЭС тамонидан ажратилган майдонга Элтиб окизилади.

в) транспорт (хом-ашиёларни ташиш, ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

Ер ишларини бажаришда $=P_1 * P_2 * P_3 * P_4 * G * 10^6 / 3600, \text{г/с.}$

P_1 -тўпрокнинг чангланиши фракцияси $P_1=4$

P_2 -аэрозол куринишда ўтадиган чанг фракцияси $P_2=7$

P_3 -иш зонасида шамол тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_3=7$

P_4 -тўпрок намлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_4=5$

G-ер иши микдори, т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур уй-жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ховзасига зарарли моддалар деярли чикмайди. Бинолар пойдевори завурни казиб, инженерлик коммуникацияларини мантаж килиш ,тамирлаш пайтларида кам микдорда ноорганик чанг, пайвандлаш ускунасидан –пайвандлаш аэрозоли, жумладан MnO_2 . ва кранли автомобилар ис гази, азод оксиди, курум ва хакозалар хавога ажралиб чиқиши мумкин, Бу моддаларнинг хавога чиқиш микдори шунчалик камки, уларнинг атроф-мухитга салбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чикадиган чангнинг микдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади ва техник сув ҳисобидан амалга оширилади. Масалан биноларда табиий газ ёки сувни ўтказиш пайтида энг кўпи билан 5 кг АНО – 4 маркали эликтрон ишлатилади ва бунинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чиқади.Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди хавога чиарилади. Бундан кўриниб турибдики, бу ер хавони ифлослантирувчи моддаларнинг микдори санитар – экологик талабларни каноатлантиради.

д) курилиш хом ашё материалларини ортиш-тушириш ва саклаш давомида ажралиб чикадиган ифлослантирувчи моддалар.

-кум,шагал-неорганик чанг

-цемент-цемент чанги

-гишт-неорганик чанг

$$Q=L \times B \times g/100, \text{ т/йил}$$

Бу ерда L-хом ашё материалларининг чанг кўринишида йўқотилиши фоиз хисобида $L=0.21$

B-сакланаётган,ортиладиган-тушириладиган кум,шагал,цемент сарфи, т/йил

g-табиий йўқолиши меъёри, % $g=0.15$

е) каттик чикиндилар микдорини аниклаш,уларни тўплаш ва зарарсизлантириш.

-Коллеж фаолияти пайтида пайдо бўладиган каттик маиший чикиндиларнинг умимий йиллик меъёрий микдори _____т ёки _____ м^3 ни ташкил қилади. Бу чикиндилар инерт чикиндилар бўлиб,мактабнинг шимолий шаркида атрофи 1.8 м баландликдаги девор билан ўралган махсус худуди бетонлаштирилган майдонда жойлаштирилган хажми 1.2 м^3 бўлган махсус металл кутиларда тўпланади ва шартнома асосида туман ободончилик корхонасига топширилади;

-курилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чикиндилар микдори 6.1-жадвалда келтирилган.

6.1-жадвал

Тартиб раками	Чикиндилар	Ўлчов бирлиги	Меъёр,%	Махс.ми.тн.	Чикинди
1	гишт синкилари	Тонна	0.5		
2	Бетон ва коришма	Тонна	13		
3	Ёоч чикиндилар	М ³	1.5		
4	Халталар	Тонна	0.6		
5	Металл чикиндилар	Тонна	0.5		
6	Пластмасса идишлар	Тонна	1		
	Жами				
	Маиший катти чикиндилар				
7	Ишчилар	Киши	0.083		
8	Супринди	Кг/м ² кун	0.021		
	Жами				
	хаммаси				

8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

Объектнинг қурилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган халокатли ҳолатлар. Масалан: қум,шагал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли қурилиш материалининг тўқилиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар.Мазкур объектни қуриш, жихозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш пайтида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- Ер ишлари олиб боришда энг замонавий казиш усули қўлланилади;
- Қурилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади;
- Инженерлик коммуникация тармоклари хизмат кўрсатиш учун тиббий кўрикдан ўтган, кудукда техник хизмат кўрсатиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига мукамал биладиган ва унга амал қиладиган ёши 18 дан кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент, 1992-йил.
2. Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001-йил.
3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1993-йил.
4. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1996-йил.
5. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари. К М ва К 02.04.01.-97. Бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997-йил.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда мактабгача таълим болалар муассасаларининг моддий техника базаси ҳамда методик таъминотини яхшилашга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинган. Мактабгача таълим болалар муассасалари учун жорий қилинган “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастури педагогика ва психология фанлари ютуқлари ҳамда давлат ва жамият талабларига таянган ҳолда яратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда давлат ва нодавлат шаклидаги мактабгача таълим болалар муассасалари мавжуд. Улар қайси ташкилот қарамоғида бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги уларни кадрлар билан таъминлайди ва уларнинг фаолиятига илмий-педагогик жиҳатдан раҳбарлик қилади

Ҳар доим ҳам энг қизиқарли ва энг муҳташам бинолар жамоат бинолари бўлиб келган, инсон тафаккурининг энг олий даражадаги хайратлантирувчи бинолар – бу еса жамоат бинолари комплекси. Шунинг учун бўлса керак, шаҳарсозликда қурилишга ажратиладиган маблағнинг асосий қисм жамоат биноларига берилади. Халқ турмуш даражасининг ошиб бориши еса қурилаётган йирик шаҳарлардаги туристик марказлар, олий даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхона комплекслари, йирик илмий, маданий ва маърифий марказлар, кинотеатр, концерт ва кўргазма заллари спорт иншоотлари ва хоказо биноларнинг қурилиши билан боғлиқдир.

Ҳар қандй фан ва кашфиётнинг ҳам ўтмиши, ҳозирга куни ва келажаги мавжуд бўлгани каби архитектура ва дизайн ҳам ўзининг барча борлиғи билан бундан мустасно емас. Жаҳон сивилизасияси қандай ривожланганлигидан қатъий назар Ўрта Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон-ўзининг дунёга машхур бўлган сивилизасияси ва айниқса архитектураси билан диққатга сазовордир.

Барча таълим тарбия муассасалари давлат қароргоҳидаги муассасалар бўлиб, 6-7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбия қилишга қаратилган. Мактаб ёшгача бўлган болаларнинг жамоатчилик асосида давлат томонидан тарбияланиши, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб, ривлжланишига, уларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашга, ишчан ва естетик руҳда таълим беришга қаратилган.

Муассасалар асосан дифференцияли ҳолатда қилиб болаларнинг ёшига, уларнинг жисмоний – рухий ҳолатини ҳисобга олиб гуруҳларга ажратилган.

Умумий хулоса ўрнида ушбу битирув малакавий лойиха Ўзбекистондаги Болалар муассасаларининг келажакдаги аҳамиятида муҳим ўрин эгаллайди деган умиддамиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Архитектура қисми

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент “Шарқ”, 1997 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат қуриш йўлида. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998 й.
3. Убайдуллаев Х.М “Турар жой ва жамоат бинолари типологияси” Т.2004

Экология қисми

4. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1992 й.
5. “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низом” Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001 й.
6. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1996 й.
7. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1993 й.

Хаётий фаолият хавфсизлиги қисми

8. Қудратов О., Ғаниев Т. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги. Тошкент “Меҳнат”, 2004 й.
9. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ) – 02.04.02-97. Сув таъминоти, ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997 й.
10. ҚМҚ 2.01.03-96. Зилзилавий ҳудудларни қуриш. Тошкент, 1996 й.
11. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997 й.
12. ҚМҚ 02.04.01-97. Бино ва иншоотлари шаҳобчаларининг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997 й.

Бадий қисми

- 13.Змеул С.Г. “Типология зданий” Москва Стройздат 2005 г.
- 14.“Жамоат бинолари типологияси” 2-қисм Ташкент 2000 г., проф. Убайдуллаев Х.М., доц.Абдурахмонов Й.И., Сетмаматов М.Б.
- 15.“Турар жой бинолари типологияси” фанидан (Ўқув қўлланма) 2000 г., доц. Асамов Р.Д., кат.ўқт.Иногамова М.М.

16. Е.В.Шипачева, Т.А.Саркичан, «проектирование генеральных планов гражданских промышленных зданий» Т.2007
17. Т.А.Хидоятов «Типология», Т.2008 г.
18. Х.Убайдуллаев, М.Иногамова, Тураржой ва жамоат биноларини лойихалашнинг типологик асослари, Дарслик .,Т.2009.
19. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 3-2006й Т-2006
20. “Дизайн” Холмянский Л.М., Шчипанов А.С. Ўқувчилар учун китоб. – Т.: “Ўқитувчи” 1991й
21. www.arx.ru
22. www.google.ru